O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1999 йил, 31 август | 31(204)- сон

## БУГУН БАЙРАМ! БУГУН БАЙРАМ! БУГУН БАЙРАМ!

## ОЗОД ЮРТДА

Қуёш — озод, озод осмон ичра, кўзга яқин, кўнгилга яқин қуёш. Тангри уни бизга яқин яратди, бу билан ўзига яқин олди бизни. «Қуёшли юртимизда» деб сўзлаймиз Туронзамин ҳақида сўйлар бўлсак, «озод юртимизда» деган каби янграйди бу ифода. Қачонлардир орзу эди, Истиқлол ташрифидан 8 йилдирки, у том маънодаги, халқимиз, миллатимиз орзусидаги қуёшли юртга айланди. Оллоҳ назари тушган жаннатмакон замин дейдилар уни, бир жиҳати шу илоҳий назарни бизга офтобнинг яқинлигида кўраман. Мустақиллигимиз эса яна бир иноятли тарзда, не бахтки, қуёшдек дахлсиз порлади. Кексаю ёш ҳар биримизнинг шууримиз, идрокимизда, демократик йўсин ила ўсаётган жамиятимизнинг ҳар бўғинига, ижтимоий ҳаётнинг жами жабҳаларига нур ёйди. Шунданми, ҳар соҳада ўсиш-ривожланишни нур тезлигидан ўргандик гўё. Ватанни обод этмоқ, юртни яшнатмоқда қуёшга ҳамкор тутиндик. Зеро, асрлар давомида ҳамкорлик ёғду-ришталарини узатиб келади у. Халқимизга, шу заминга дилдошлик ила меҳр тўкади, жондан муносиб кўради ўзини Туронзаминга. Залворли тарихига содиқ мустақил юртимиз ҳам унга муносиб эса не ажаб. Кишиларимизнинг ҳар қадами, ҳар иши, сўзу интилишларида истиқлол ва иқбол, фаровонлик ва яратиш иштиёқи уйғун. Мамлакатимиз жаҳон саҳнига — узоқ йиллар соҳибини кутган ўз муносиб ўрнига равон чиқмоқда, кундай кўтарилмоқда.

Тараққий жараёнларини кузатиб, Мустақилликда кечган 8 йил ичида юрт ободлиги, маънавий камолот тадоригида қилинган ишлар, таъбир жоиз келса, саккиз жаннат ҳайратини беради десак муболаға бўлмаса керак. Мустақилликни теран англаш, эл-юрт розилиги ва ишончига сазовор юртбошимизнинг оқилона тутуми, ҳукуматимизнинг халқ иродасига, ватан истиқболига уйғун сиёсати бизни шу кунларга етказиб турибди. Ватан тупроғидаги бир қарич ер, бир туп ниҳол, бир орзули мурғак қалб ҳам улуғ эътибордан холи эмас. Ана шундай чинакам ҳамжиҳатликкина енгилмас кучга айлантиради бизни. Албатта, Ватан деган юракларни Ватан ҳам эшитгуси, шижоатга йўл бергуси, Байрам арафасида Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги муносабати билан халқимизнинг бир гуруҳ ардоқли фарзандлари «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва юздан зиёд турли соҳа ходимларининг ҳукуматимизнинг орден-медаллари, шарафли унвонлари билан тақдирланиши ҳам юрт деган юракларни ватан тимсолида тингламоқ, шундай фарзандлардан фахрланмоқ, улардай бўлишга чорлов рамзи сифатида ҳаммани бирдай қувонтирди. Фармон бандларида келтирилган таърифларда эл эътирофи истаги битилган каби.

Озод Самарқандда Шарқнинг энг гўзал тароналари янграмоқда. У Мустақиллик, эрк нашидасини дунёга таратмоқда. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш мақсадида муносиб йўл танлаган халқимиз айни кунларда жуда улкан сиёсий воқеалар, сайловлар тараддуди иштиёқи билан турибди. Ранг-баранг партияларимиз, катта жонли жараён ичига кирди.

Юртимизда, кўнглимизда бирдек порлаган Истиқлолнинг мангулик сифати ҳам озод қуёшга менгзамоғи тилагидамиз.

**Юзингни офтобини кўриб ҳайрон бўлиб қолдим,**
**Фалакка қўл узотиб шамси анварни олиб бўлмас.**

— ҳайратда байт айтмиш замин кезиб ишқ қаландари Машраб. Туронзаминга садоқатли халқимизни эрк саодатига ҳайрат аро яратиш завқи ҳеч қачон тарк этмасин.

Озод ватанимизнинг, қуёшли юртимизнинг озод байрами — Мустақиллик куни барчамизга муборак бўлсин!

**Дилором ҚЎЗИЖОН**

## ПАРТИЯ ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Сайловлар мамлакатимиз ҳаётида жуда катта сиёсий-ижтимоий воқеа. Уларда юрт, халқ истиқболининг янги тамал тоши қўйилади. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг сайловларга тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди.

25—28 август кунлари Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг кенгайтирилган раёсат йиғилишларида Олий Мажлисимиз қарорида қайд этилган бўлажак сайловларни ўтказиш билан боғлиқ ранг-баранг ишлар кўриб чиқилди. Миллий тикланиш партиясининг сайлов тайёргарлик ишларини олиб борувчи гуруҳи тузилди. Сайлов гуруҳига раёсат аъзолари, вилоятлардаги партия етакчилари, жамоатчиликнинг хайрихоҳ вакиллари кирдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлари, Марказий сайлов комиссиясининг ҳужжатлари талаблари, қоидалари асосида барча тайёргарлик ишларини ўз вақтида юксак уюшқоқлик, саводхонлик ҳамда саранжомлик билан ўтказиш, якунлаш, сайловнинг тарғибот-ташвиқот жараёнларига яхши ҳозирланган ҳолда кириб бориш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Миллий тикланиш партиясининг сайловолди платформаси, ҳатти-ҳаракат қирралари муҳокама қилинди.

Миллий тикланиш партиясининг йиғилишларида Марказий кенгаш Раиси Иброҳим Ғафуров маъруза қилди. Муҳокамаларда партия Тошкент шаҳар кенгаши котиби, профессор И. Абдуғаниев, Марказий ҳайъат аъзолари Рустам Жумаев, Муқимжон Қирғизбоев, Хуршид Дўстмуҳаммад, А. Расулов, О. Отамирзаев, Т. Тошлонов, Саидбосит Файзуллаев фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

*Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллиги байрамига*

## БИР ЎЛКАКИМ...

**Бир ўлкаким, нурга қараб кўз очгуси,**
**Қуёш ҳар кун бошидан олтин сочгуси.**
**Осмонида порлаб иқбол юлдузлари**
**Залворидан зулмат лашкари қочгуси.**

**Бир ўлкаким, тоғлари самодан ошур,**
**Сувлари юлдузлар била сир сирлашур.**
**Мустақиллигига эришган халқининг**
**Бошига истиқлол тожи хўп ярашур.**

**Бир ўлкаким, лочинлари бургутсимон,**
**Жайронига бошин эгиб ўтар қоплон.**
**Куйлар тинчлик нашидасин булбуллари,**
**Ҳур ҳаётдан қушлар айтар турфа достон.**

**Бир ўлкаким, ўзлигини билмоқдадур,**
**Олам аро янгиланиб келмоқдадир.**
**Илму синоатдан боғлаб олтин қанот,**
**Маънавият ила парвоз қилмоқдадур.**

**Бир ўлкаким, барча улуси қаҳрамон,**
**Меҳнаткашми, зиёлими ва ё деҳқон.**
**Ватан меҳри, ардоғи шон юрагида,**
**Шижоатда таслим келур шеру арслон.**

**Бир ўлкаким, барча дунё қойил анга,**
**Ҳамкорлик қилишда доим мойил анга.**
**Тараққиёт чўққисига чиқмоқ учун**
**Ҳеч қандай куч бўлаолмас ҳойил анга.**

**Ривожига истиқлолдан солмиш асос,**
**Тараққиётдан кийдирган унга либос.**
**Эркдай гуллаб-яшнаб турган бу диёрда**
**Ватан, халқу раҳбардур бир-бирига мос.**

**«Унга ўқ узган душманлар бизга узди»**
**Инсоният тўра — тузугини бузди.**
**Душманга эш бўлиб юртга ёв тутинган**
**Жўшқин дарё оқимига қарши сузди.**

**Билсанг, шундай ватан шундай гўзал бўстон,**
**Чин озоду обод юрткиим, чин гулистон.**
**Сўрдилар — кимнингдур, ўзбекнингдир дедим,**
**Жаҳонда тенги йўқ азиз Ўзбекистон!**

**Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ**



## ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ҲУРРИЯТ!

**Муяссар Темирова,**
**Бухородаги очиқ турдаги «Зардўз» ҳиссадорлик жамиятининг етакчи зардўзи, Ўзбекистон Қаҳрамони**



Мустақиллик нима берди, дейилганда, менимча, биринчи навбатда «у энг аввало бизга тил берди!» — деган сўзларни баралла айтгим келади. Собиқ шўролар даврида мен Бухоро шаҳрида, Тошкентда бўлган йиғилишларда, байрамларда, қурултойларда илғор зардўз сифатида қатнашганимда, ўз она тилимда гапиролмаётганимдан хафа бўлганимданми, армон қилганимданми ёки рус тилини яхши билмаганим, дурустроқ гапира олмаганимданми, сўзга ёздиришганда доим йўқ деганман.

Мана, худога шукр, она тилимизнинг шавқатли парвозини кўриб турибмиз. Расмий йиғилишларни ҳам бемалол ўзбек тилида ўтказса бўларкан. Мен табаррук она тилимизни халқимизга қайтарган, Президентимиз буюк аждодларимизнинг тўйларида, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида, Олий Мажлис сессияларида ўзбек тилида гапираётганини, она тилимизнинг бутун кўрку жамолини, афзалликларини намойиш этиб сўзлаётганини кўрганимда, беихтиёр тўлқинланиб кетаман, фахр этаман.

Мени қатор юртдошларим каби «Мустақилликка қандай хизмат қиляпман?» — деган савол кўп ўйлатади. Масалан, мен Истиқлолнинг асосий шиорларидан, даъватларидан бири бўлган қадриятпарварлик мавзуида амалий санъат асарлари яратишни ўзимнинг фуқаролик бурчим, деб биламан. Шу йўлда изланиб, Мустақиллик йиллари табаррук кадр топган Ҳазрат Баҳсуддин Нақшбанднинг қутлуғ тўйига атаб, улуғ аждодимиз абадий қўним топган мақбарани улкан паннода зар иплар билан тасвирладим. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий асарларидаги машҳур қаҳрамонларни тасвирлаган яна бир кенг ҳажмдаги панномни Тошкентдаги улуғ шоир номи билан аталувчи музейга совға қилдим

Асосий фикрим, муддаомни айтадиган бўлсам, Мустақиллик бизга нима бергани барчага бирдай аён, барча бу ҳақда фақат ва фақат миннатдорчилик билан гапириши аниқ. Лекин, биз кўпроқ Мустақилликни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшаётганимиз ҳақида ўйлашимиз, шу ҳақда сўзлашимиз керак. Истиқлолнинг инсонпарвар имкониятларини ҳамиша қадрлайлик ва эъзозлайлик.

## МУМТОЗ САНАМЛАРДАН СЎЗ...

**«Саодат»нинг 5-сони чиқди**

Турли мавзудаги мақолаларда битилган нур таратгич сўзлар, саҳифаларни ёритган ёрқин сиймолар — сарвара аёллар, уларнинг таниш чеҳралари сизни янада мутолаага муҳрлаб қўяди.

Қ. Раҳимбоеванинг «Султон суягини хор этмас» мақоласида «ҳар соату ҳар куни билан мустабидларнинг ўзбеклар техника ўрганишга, ҳарбий ҳаракатларга лаёқатсиз, армияга яроқсиз деган ҳақоратли ҳукмини йўққа чиқара боргани» учун қатағон қилинган Ҳидоят Иноятов ва оиласининг сўронли ҳаёти, миллат қисматига айланган аччиқ тақдири, қизи Ҳуррият тимсолида бугун унинг ғолиблиги ҳақида ўқийсиз.

«Ҳофизанинг дунёси» — таниқли шоира О. Ҳожиеванинг мақоласи яқинда ҳукуматимиз томонидан «Эл-юрт ҳурмати учун» ордени билан тақдирланган ҳофиза Муножотхон Йўлчиеванинг мумтоз қалбига қалбимизни янада яқинлаштиради. «Аёлнинг фазилати, имконияти қанақа? Унинг қўлидан нима келади? — З. Рўзиеванинг «Ўзбекистон қизлари» рукни остида эълон қилинган «Дурдона» номли чиқиши билан танишсангиз, бу саволга ҳам табиий жавоб оласиз. Гулнора Раҳимованинг «Инсон ўз жисмидаги ҳар бир нуқтани бошқалардан кўра теранроқ кўра олади. Шундай экан, у ўз-ўзига дўст, ўз-ўзига табиб бўлмоғи керак» — деган фикрлари беихтиёр сизни ўзингизга қаратади.

Шунингдек, ушбу сонда ёзувчи Р. Рауповнинг «Соғинч қўрғони» романидан парча, шоира Г. Жўраеванинг «Онагинам, келдингизми?» хотира-эссеси, «Ўзбекистон қаҳрамонлари», «Саодатхонлик соатлари», «XX аср китобига дастхат», «Ҳар юракда бир шоир яшар», «Кўнгли равшанлар», «Жаҳонга машҳур хонимлар» рукнлари остида қизиқарли чиқишлар, «Тақинчоқлар хосияти» ва шу каби турли ўқишли материаллар эълон қилинган.

**Дилором МАТКАРИМОВА**

## МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК МАФКУРАСИНИНГ МОҲИЯТИ

**Миллий мустақиллик мафкурасининг моҳияти ҳақида тўхталиб ўтайлик. Миллий мустақиллик мафкурасининг жамият тараққиётида жиддий уюштирувчи детерминант, яъни сабабий асос бўлиши ҳақидаги фикрни биринчи бўлиб, мустақилликнинг дастлабки босқичларидаёқ Президентимиз И. Каримов ўртага ташлаган ва бу фикрни ишончли далиллар билан асослаган. Аммо, айрим сиёсатчиларимиз миллий мафкуранинг моҳиятини тоталитар жамиятлардаги «мафкуравийлаштириш» деган салбий ҳодиса билан чалкаштириб юбориши оқибатида миллий мафкурамизга ҳам идеологизация тамғасини босишди. Аслида бу икки тушунчани бир-биридан яхши фарқ қилишимиз лозим. Ўзбекистон Конституциясида ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас (12-модда) деб кўрсатилганлиги, бизда мафкуралаштириш, мафкуравий тазйиқ бўлиши мумкин эмаслигини кафолатлайди. Аммо бу модда Ўзбекистоннинг ўз сиёсий манфаатлари борлиги, улар ҳимоя қилиниши лозим эканлигини инкор этмайди. Миллий мустақиллик мафкураси — давлатнинг тамғаси, байроғи ва бошқа шунга ўхшаш тимсоллари сингари мустақил давлат эканлигини ифодаловчи асосий манфаатларининг бош ифодасидир. Бу давлатга ташқаридан ўрнатиладиган мафкуравий «тўқмоқ» эмас, балки, шу давлатнинг ички табиатидан келиб чиқувчи бош сиёсий йўналишидир. Бу - фуқароларнинг муайян сиёсий тартибларга риоя этишини талаб қиладиган сиёсий тазйиқ ҳам эмас. Бу шу давлатнинг таркибидаги миллатларнинг ўз мустақиллигини, мустақиллик манфаатларини сақлаб қолиш, ривожлантириш учун қилган ички интилишлари натижасида вужудга келувчи туйғулари, мақсадлари, хоҳиш-иродаларини ифодаловчи ғоялар мажмуасидир.**

**Миллий мустақиллик мафкурасини ривожлантириш айни пайтда ҳар қандай мафкурабозликдан, ғоявий зуғум ва зўравонликлардан халқни муҳофаза қилиш, уларнинг эркинликларини, мустақиллигини кенгайтириш, ўзлигини англашига, халқнинг халқ бўлиб уюшишига йўл очишдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз И. Каримов: «Миллий мафкура — миллатни бирлаштирувчи байроқдир» деган ҳаққоний шиорни ўртага ташлади.**

**Давоми иккинчи бетда**

# СОҒИНЧ МАМЛАКАТИ

## Кўзим гўзалликка тушди

«...Ўн тўрт ёшларимда илк бор бу нуроний сиймонинг тасвири чекилган сувратни кўрдим. Олис қишлоқ мактаби, қаҳратон қишнинг дилгир кунлари, адабиёт хонаси деворга осилган муҳташам портрет ва ундан мулойим табассум ила боқиб турган, шоҳона салласига укпар жиға қадалган улуғсифат инсоннинг бори-борлиғи мурғак тасаввуримга шу қадар теран ўрнашдики, дарс пайтида ҳам, танаффус чоғлар ҳам унинг мардона чеҳрасидан кўз узолмас эдим... Сатрларни кўча-кўйда, дала-даштда ҳам такрорлаб юрардим. Уларнинг маъюс маъноси, шикаста оҳанги дилимга қаттиқ таъсир қилар, ўз-ўзидан йиғлагим, узоқ бир жойларга бош олиб кетгим келар эди...» (Хайриддин Султон. «Бобурийнома», «Шарқ нашриёт-матбаа концерни, Тошкент, 1997 йил).

Муаллифнинг бу кайфияти менга жуда таниш. Мен эса Бобур ҳазратларининг ўша суратларига узоқ термулиб ўтира олмасдим. Юрагим увишиб кетарди. Тиззаларимга титроқ кириб, дармонсизланардим. Ўзимни негадир шу изтиробли нигоҳ қаршисида гуноҳкор ҳис этардим. Нега шундайлигини бола тасаввурим билан англай олмасдим. Фақат «Бобурийнома» муаллифи каби ҳазрати шоирни «отамдай, онамдай, фарзандларимдай яхши кўриб» қолганимни билардим. У менинг азиз одамим эди.

Хайриддиннинг «Бобурийнома»сини ҳамма фазилатларидан олдин Бобур ҳақида бўлгани учун жуда яхши кўриб, кўп бор йиғлаб, баъзида жилмайиб, гоҳ ич-ичимдан узилган «уҳ», «оҳ»ларимдан куйраб ўқиб чиқдим. Бир қанча фурсатгача бошқа ҳеч нарсани қўлимга олгим келмай юрди. Бобур хаёли юрган, унинг излари тушган, оғриқлари яқинлашган юрагимга бошқа ҳеч кимни киритгим келмади.

Тўғриси, Бобурни қаттиқ соғинган эканман.

Бобур ҳақда тез-тез янги асарлар ёзилиб турса яхши экан. Ҳолбуки, мен Бобурни доим ўқийман.

Хайриддиннинг асаридан нима топдим?

Аслида муаллифнинг бу китобга киритган Бобур ҳақидаги асарларининг кўпини (қай бири матбуотда чоп этилган бўлса) ўқиганман. «Бобурийнома»дан сўнг ҳазрат Бобурнинг суратларига ботирланиброқ қарай бошладим. Юрагимдаги гуноҳ тошининг оғирлиги енгиллашгандай бўлди.

Ўн чоғлик фидойи ватандошларимнинг ҳазрат юрган йўллардан машаққат чекиб, гоҳ ташна, гоҳ ним қурсоққа қаноат қилиб юрганларини ўқир эканман, дил-дилимдан бир қувонч келди.

...Бир пайтлар онам Хоразмдан келиб, қон босимлари ошиб кетиб, шифохонада ётганлар. Икки ёш бола билан йўлларда қийналиб, кунига уч бора кўргани борганимда шунақа кайфиятни қалбдан ўтказгандим. «Ҳа, фарзанд бўлиб, мен ҳам онамнинг кунига яраяпман», деб. Бориш-келишда қанча азият чексам, шунча суюнардим.

Бобур экспедицияси аъзоларининг йўл азобларидан шундай бир севинч келди дилимга.

«Биз ҳазрат олдидаги қарзимизни узяпмиз» деган шукрона келди тилимга.

Тўғри, биз ул табаррук зотни доим меҳр тахтимизда асраймиз. Устоз Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар»и — маънавий хазинамиз бойлиги. «Бобур» видеофилмимиз бор. Қутлуғ ёшларига тўйлар туздик. Боғлар бунёд этдик. Шахсан юртбошимиз бош бўлиб Бобур зурриёдларини бу тантаналарга чорладик. Бу яхшиликларнинг бири Бобур экспедицияси сафаридан олдин, баъзиси кейин рўй берган бўлса-да, бу сафарнинг қиммати бобуршуносликда ўзгача, назаримда.

«Мени ранжу заҳмат чекиб ўзимникилар излаб келишибди». Мен «Бобурийнома»да ҳазратнинг ана шундай деган титраган овозларини эшитдим.

Бу менинг топганларимнинг биринчиси.

«Бобурийнома»да минглаб одамлар қиёфаси бор.

«...Бу гўзал инсон (устоз Асқад Мухтор)нинг шарофати туфайли «Гулистон» журнали мустабид бир тузумдаги эркин фикр оролчасига ўхшар эди...»

«...Бош муҳаррир ўринбосари Ваҳоб Рўзиматов — тўғрисўз ва талабчан инсон эди, шу боис «туққанига ҳам ёқмас эди».

Хайриддин турли мамлакатларда истиқомат қилаётган турли эътиқодга мансуб, хилма-хил тилда сўзлашувчи одамлар билан боғлиқ воқеаларни баъзан юқоридагидай қисқа, баъзан воқеабанд тарзда тасвирлар экан, бир нарсани ҳис этдим. Ҳамма инсонлар тангрининг ижоди, ҳаммасида Тангридан нимадир бор. Шунинг учун, бу одамларнинг ҳаммасидан муаллиф бир фазилат топади. Йўқ, бирортасига атайлаб фазилат ёпиштирмайди. Балки, адибнинг инсон зотига жуда катта меҳри кўриниб туради ёзганларида. «Агар онам рухсат берганларида эди, сизлар билан кетардим» деган теҳронлик 14 яшар Абдулмажид Муҳаммад отлиғ ўспирин, Анқарада экспедиция аъзоларини қўярда-қўймай куёвиникида меҳмон қилган Умар Байрам, Зоҳидонда бехос адашиб қолган Хайриддинни моторчасига мингаштириб, елдек учиб, шерикларига етказган нотаниш йигит... Яна қанча-дан-қанча кишилар... Буларнинг ҳаммаси кўнгилга «дунёда яхшилик ва яхшилар кўп!» деган бир таскинни беради.



Ҳаётни сева бошлайсан. Инсониятга ишона бошлайсан.

Урушлар, қирғинлар, хоинлигу хиёнатлар даҳшатлари кучсизлангандай бўлади:

«Абдулғаффор, қутсиз йўллардаги содиқ сорбоним, биламан, сен бу сатрларни ҳеч қачон ўқимассан. Менинг ва йўлдошларим кўнглидан кечган ҳиссиётлардан асло хабар топмассан. Бу қалб туғёнларим сенга ҳаргиз етиб бормас. Аммо қодир худо дилимизда неки бўлса, баридан воқифдир. Шу боис ҳаққингга дуо қилиб айтаманки, Оллоҳ сендан рози бўлсин...»

«Хайрлашар чоғимиз Лайло Уммахоним ташвишланиб шундай дедилар: «Меҳмонхонада қийналиб юрасизларми, бизникида ётиб қолинглар».

Бу Туркистоннинг муштипар оналарига, чинакам ўзбек аёлларига хос бир фазилат эдики, беихтиёр биз ҳам мутаассир бўлдик».

«Қайғурма, Бурҳонбей, — дедим унга, — биз ҳажга кетаётирмиз. Насиб бўлса, Маккада сен учун дуо қиламан». У менга ғусса тўла кўзларини жавдиратиб тикилди. «Мактабга борадиган бўлсин, деб дуо қилинг, афандим».

Адабиётнинг вазифаси — севдирмоқ, ишонтирмоқ. «Бобурийнома»дан топган иккинчи бир бойлигим ундан ана шу фазилатларни топганим.

«...Ўлмас «Бобурнома»нинг уммондек теран мазмуни, соф, содда, мардона тароватига ҳавас қилиб, китобга «Бобурийнома» деб ном берилди» дейди камтаринлик билан китоб муаллифи.

Бу ҳавас ҳавасларга лойиқ.

Гап шундаки, «Бобурийнома»дан Машҳад, Табриз, «Кунё, Мадинаи Мунаввара, Кобул каби жуда кўплаб дунёнинг таниқли шаҳарлари ҳақида жуғрофий, тарихий, этнографик маълумотлар олиш мумкин.

Балужистон саҳролари, Ҳиндиқуш тоғлари, Саҳрои Кабир, Қизил денгиз, Форс кўрфази — Бобур халқаро экспедицияси кезган, кечган йўллар фақат ғаройиб саргузаштлар китоби эмас, турли миллат, элатлар тақдири китобларининг ҳам саҳифаларидир.

Биз бу асардан бир осмон остида, бир замин устида яшаётган инсонлар ҳаёти бир-бири билан нақадар боғлиқ эканини ҳис этамиз. Бахту бахтсизлик учун дунёнинг барча миллатлари тенг жавобгар экан, деган хулосага келамиз.

Яна Бобур ҳазратларининг «Йўлбарс» отига монанд кучли руҳиятидан қайта-қайта қувват оламиз.

Жидда ва Равалпиндида, Трабзон ва Зинжонда бобурийлар салтанатининг қадим масканларида улуғ аждодларимиз яратган меъморий ёдгорликлар, беқиёс боғлар, Деҳли ва Агра, Фотиҳпур ва Ҳайдарободда ҳазрат номи, ёди билан боғлиқ манзиллар, авлодлар — бари-бари юрагимизда ғурур гулханини ёқади. «Менинг бобом!» деган бир қувонч хотирамизни ёритиб юборади. Бу ёруғликда биз ўзимиз билган Бобур мирзони яна ҳам мукаммал кўрамиз. Шаҳзода Мирзо Комрон ҳақидаги маъюс ёзилмалар, унинг ғоят таъсирли ғазаллари, (афғонистонлик ўзбек шоираси Шафиқа Ёрқин ҳам бизга Комрон Мирзо ғазалларини тақдим этган эдилар). Ҳазратнинг не сабабдан чоғирга майл этгани, не сабабдан «Тавба»га юз тутгани, шажараси, дўсту сафдошлари ҳақидаги билимлар билан бойиймиз. Ҳатто, ўзимиз билган Тожмаҳал — ошиқлик ёдгорлиги билан боғлиқ қиссалар ҳам, бобурийзодаларнинг айримларининг фожиали, айримларининг шавкатлари тарихлари ҳам «Бобурийнома»да юракка яқинроқ, таъсирлироқ айтилганиданми — билганлигимиз, кўп ўқиганимиз сезилмайди. Янги билимлардек қабул қилинади.

Бу менинг китобни ўқиб топганларимнинг яна бири.

Умуман, бу асарни муаллиф ростгўйлиги, самимияти, айниқса, ҳазрати Бобурга ўта ихлоси нурлантириб туради.

Албатта, бу ихлос тизимида ғоят мураккаб тақдирли шоҳ, шоир ҳақида китоб ёзган жуда кўп ўзбек, хориж муаллифлари ҳам бор. Бобур номдаги Халқаро экспедиция раҳбари «бой ота» лақабли Зокиржон Машрабов, мулло Қори ака, ҳофиз Адҳамжон Исмоилов, таржимон Маҳмуджон Раҳимов ва Хайриддиннинг бошқа ҳамроҳлари ҳам шу ихлос тизимидадир.

Ҳар қандай буюклик ҳам вақт синовлари олдида хиралашади, аммо кучли эътиқод, ихлос, меҳр-муҳаббатгина бу буюкликка қайта салобат бахш этаркан, деган фикр кечади кўнглимиздан асар якунида.

Мен Хайриддин Султоннинг санъатга айланган, тарихга айланган ана шундай теран ихлосига жуда ҳавасим келди.

Ҳар гўзал асарни муаллиф аввало ўзи учун ёзади. Аммо шундай китоблар борки, улар ёзувчининг ўзидан кўра биз китобхонларга кўпроқ керакдир. Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома»си шундай асар бўлибди. Шунинг учун бу яхши китоб билан аввал ўзимизни, сўнг Хайриддинни қутлагим келди.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА**



## ИЛТИЖО

**Ҳуррият шиддати гувлар долғали,**
**Тошқин ҳайқириқлар чўзилмиш кўкка!**
**Исёнлар гупириб қалбда ёнади...**
**— Худойим, мангулик шон бер ўзбекка!**

**Қўлловчи руҳ, ота-бобом зафари**
**Бу юртда яшайди боқий бир нусрат.**
**Ўзбек миллати, бу — олам сарвари,**
**— Худойим, сен унга қилгин мурувват!**

**Йўриғингдан ўзга йўли йўқ, борар,**
**Сендан ўзгага ҳам топинмас асло.**
**У бутун жон-жаҳди билан ёлборар**
**— Бизни энг юксак эт, тангри таоло!**

**Дуолар-у жони фидолар ҳаққи,**
**Келиб кетмас давлат айлагин нисор.**
**У сени жонидан севгувчи халққи,**
**— Энг аввал ўзбекни сев, Парвардигор!**

**Қадимий миллатмиз миллион-милён**
**Ҳар юрак зарбида янграр ҳур нидо!**
**Бизлар шу бахт учун тикажакмиз жон**
**— Энг буюк музаффар ҳаёт бер, худо!**

## ХИРГОЙИ

**У кулмаса баҳор келмас, қушлар учмас**
**Қизармайди адирларнинг лолалари,**
**Бу дунё хуш офтобларга тўлиб кетар**
**Кулганида ўзбегимнинг болалари**

**Қилиқлари ғуборингни ўлдиради.**
**Эркаси у, эртаси у ўз элимнинг**
**Кучоқласанг, кучоқларни тўлдиради**
**Мунча суюк болалари ўзбегимнинг.**

**Муҳаммад ИСМОИЛ**

## «МТ» ЛУҒАТХОНАСИ

**SNAROF MIRZO**
**ENGLISH-UZBEK-RUSSIN PROVERBS AND SAYINGS**
**INGLIZCHA-O'ZBEKCHA-RUSCHA MAQOL VA MATALLAR**
**АНГЛО-УЗБЕКСКО-РУССКИЕ ПОСЛОВИЦЫ И ПОГОВОРКИ**

**21. A hungry belly has no ears.**
**Och qoringa gap yoqmas.**
**Голодное брюхо ко всему глухо.**
**22. A light purse makes a heavy heart.**
**Bu dunyoning xo'rligi — kissangda pulning yo'qligi.**
**Хуже всех бед, когда денег нет.**
**23. A man can die but once.**
**Bir boshga — bir o'lim.**
**Двум смертям не бывать, а одной не миновать.**
**24. A quite conscience sleeps in thunder.**
**Oshing halol bo'lsa, ko'chada ich.**
**У кого совесть чиста, у того подушка под головой не вертится.**
**25. A soft answer turns away wrath.**
**Egilgan boshni qilich kesmas.**
**Покорное слово гнев укрощает.**
**26. A sound mind in sound body.**
**Sog'tanda — sog'lom aql.**
**В здоровом теле — здоровый дух.**
**27. A tree is known by its fruit.**
**Daraxtiga ko'ra — mevasi, ota-onasiga ko'ra — bolasi.**
**От яблони — яблоко, от ели — шишка.**
**28. A watched pot never boils.**
**Tikilgan qozon qaynamas.**
**Котелок, за которым наблюдают, никогда не закипает.**
**29. A word is enough to the wise.**
**Donoga — ishorat, nodonga — kaltak.**
**Умный понимает с полуслова.**
**30. A word spoken is past recalling.**
**Aytilgan so'z — otilgan o'q.**
**Слово — не воробей, вылетит не поймаешь.**
**31. Actions speak louder than words.**
**Ming so'zdan bir ish yaxshi.**
**Не по словам судят, а по делам.**

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНГИЗ АЪЛО ЎТСИН!



**Ёзги таътил кунлари ёш юракларни бир фасл қудратига тўлдириб хайрлашди. 2 сентябр куни янги ўқув даргоҳлари, коллежлар, лицейлар очилади, мактаблар бағри яна маърифат чечакларига тўлиб кетади. Айни дамларда Истиқлол кунининг байрам шавқлари, шукуҳли саҳналар ғурури, мустақиллик шижоатига тўлғинликда ўқувчилар маърифат манзили сари йўл олар эканлар, шодиёналар фахридан, илҳомидан қадамлар янада ўктамлашади. Шу муқаддас Ватан равнақи учун илм уфқларига бўйлашиш, даҳо аждодларимизга муносиблик истаги, аҳди собитлашади. Идроки баланд ўқувчи-ёшларимиз ўқитишнинг энг замонавий ускуналари билан тиллашиш баробарида жаҳон билан сўзлашадилар, юраклари Ватан бўлиб порлайди уларнинг. Истиқлолнинг илк кунларида дунёга келиб йўргакланган мурғак гўдак бугун компютер қошида илк кашфиётларни йўргакламоқда.**

# МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК МАФКУРАСИНИНГ МОҲИЯТИ

**Боши биринчи бетда**

Бу жойда деидеологизация ва реидеологизация тушунчаларини ҳам таърифлаб ўтиш жоиздир. Маълумки, деидеологизация концепцияси XX асрнинг ўрталарида Арон, Белл, Поппер ва бошқа ғарб файласуф ва социологлари томонидан илгари сурилган бўлиб, улар К. Маркснинг идеология бу шахс ёки гуруҳ манфаатидан келиб чиқиб бузилган, ўзгартирилган онгдир деган фикри асосида фаннинг холислигини сақлаш учун мафкурадан озод қилишимиз лозим деб чиқишди. Яъни ижтимоий назарияларни мафкурадан тозалаш деидеологизация дейилади. Реидеологизация принципи эса асримизнинг 70-йилларида деидеологизация концепциясининг ўрнини эгаллаб, фан ва идеология бир-бирига зид экан, демак ижтимоий фанлар соф ҳолда идеология функциясини бажара олмайди, чунки, ахлоқий ва маънавий қадриятларни фаннинг асосий талабларидан бўлган рационализм нуқтаи назаридан ифодалаб бўлмайди, шундай экан одамларнинг онгини постиндустриал жамиятга жалб этувчи янги бир умумий мафкура яратиш лозим деб чиқишди.

Миллий мустақиллик мафкурасини деидеологизация билан ҳам реидеологизация билан ҳам янглиштирмаслик керак. Бу мафкура «Мустақил Ўзбекистон диёри бор экан бу диёр равнақ топиши, ривожланиши, унда яшаётган халқ бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши лозим!» деган оддий ҳақиқатни ифодаловчи, ҳимоя қилувчи мафкурадир.

## МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ НИСБАТИ

Сиёсатшуносларнинг яна бир хатоси миллий мафкура билан миллий ғояни чалкаштириб юборишларидадир. Миллий мафкура ва миллий ғоя синонимик тушунчалар эмас, улар мазмунан бир-биридан фарқ қилади.

Миллий мафкуранинг ўзагини миллий ғоя ташкил қилади. Миллий ғоя — халқнинг ўзлигини англатувчи, унинг миллий туйғуларини уйғотувчи, миллий ғурур ва ориятини қўзғовчи фикрдир. Шундай ижтимоий уюштирувчи фикр туфайли халқ ўзининг кимлигини, нималарга қодиру, нималарга зор эканлигини қалбан ҳис қилади. Масалан, японлар «Бизда ишлаб чиқарилган ҳар бир товарда Япониянинг шаъни акс этади, бизнинг товарнинг паст баҳоланиши, Япон халқининг паст баҳоланишидир», деб иш юритишади. Шундай экан, ҳар бир ишлаб чиқарувчи Япония халқи қаршисида жавобгар эканлигини унутмасликка ҳаракат қилади. Шундай қилиб, миллий ғоя, юқорида қайд этганимиздек, халқнинг ориятини, шаънини, нафсониятини қитиқловчи, миллатнинг ўзлигини англашига туртки берувчи, оммани бунёдкорлик йўлида ҳаракатга келтирувчи куч, сабабий асос — ижтимоий детерминантдир. Бунинг кучини яхши ҳис қилган давлатимиз раҳбари И. Каримов миллий ғоянинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш бугунги кунда файласуфларимиз олдида турган энг долзарб ва масъулиятли вазифадир, деб кўрсатдилар.

Хўш, миллий ғоя нималарга боғлиқ?

**Энг аввало** миллий ғоя миллатни уйғотувчи ҳаққоний фикрдир. Ҳақиқатдан узоқ фикрлар халқнинг қалбидан жой ола олмайди. Миллий ғоя халқнинг қалбидан чиқувчи, унинг асрий орзу-умидларини ифодаловчи, унинг қадр-қимматини юксалтиришга ундовчи фикрдир.

**Иккинчидан**, миллий ғоя ватанпарварликка таянади. Ватанпарварлик эса кишиларнинг ватанида қандай қадрланишига боғлиқ. Америка авиакомпанияларига қарашли самолётлар ерга қўнганида, дастлаб Америка фуқароларини ерга тушишга таклиф қилишади. Бу миллатнинг ўз миллатдошларига алоҳида эътибори ҳар бир американлик йўловчининг қалбини мамнуният ва фахр ҳисси билан тўлдиради ва унинг қалбидан «Ҳа, мен — американликман!» деган ғурур туйғуси отилиб чиқади. Бизнинг халқимиз қалбига ҳам миллий ғоямиз шундай таъсир қилиб, ҳар бир фуқаромиз: «Ҳа, мен — ўзбекистонликман!» деб фахрлана олсин. Бу миллий ғоянинг энг аввало ватанпарварликка асосланишини исботлайди. Бизда, очиғини айтиш лозим, ҳозир ҳам «ўзбекистонлик», «ўзбек» деган сўзлардан уялувчи кимсалар кам эмас, нега мен «ўзбек» бўлиб туғилдим деб, паспортига бошқа миллатга мансублигини кўрсатиб ёздирганлар озми? Ўзбек бўла туриб она тилида гапиришга ор қилувчилар қанча? Бундай ҳақиқатлардан кўз юмиб бўлмайди. Шундайлар бор. Улар миллий ғояни ҳис қила оладими?

**Учинчидан**, миллий ғоя тарихий хотирага таянади. Тарихий хотирасидан жудо бўлган халқ ўзини миллат сифатида, халқ сифатида англай олмайди, унинг дарди халқининг дарду-аламидан узоқ бўлади, у миллатининг манфаат ва эҳтиёжларини қалбан ҳис қила олмайди. Тарихий хотира одамнинг инсонийлашувига, ватанпарварлигига, ўзлигини англашига ижобий таъсир қилади. Тарихий хотира аждодларимизга хос бўлган кўпгина одат ва анъаналарнинг, билим, малака ва бой тажрибаларнинг келгуси авлодларга ўтишида кўприк бўлиб хизмат қилади.

**Тўртинчидан**, миллий ғоя халқнинг ўзлигини англаши билан боғлиқ. Ўзлигини яхши англаган халқ миллий ғоянинг амалга ошиши учун кураш олиб бора олади.

**Бешинчидан**, миллий ғоя ҳам рационал, ҳам иррационал моҳиятга эга. У ижтимоий руҳият, кайфият, ички уюштирувчи, йўналтирувчи, ҳаракатга келтирувчи, етакловчи туйғудир. Бу туйғуга эга бўлмаган фуқаро юрти учун чин дилдан бунёдкорлик ишларини олиб бормайди.

Олтинчидан, миллий ғоя ҳам юқорида қайд этганимиздек дунёқараш марказига, бу марказ Ўзбекистон эканлигига боғлиқ. Европача ёки америкача тафаккур, русча ёки немисча, туркча ёки арабча, немисча ёки инглизча тафаккур ўзбекона қадриятларнинг асл моҳиятини англаб етишга имкон бермайди. Миллий ғоянинг асл моҳиятини англаш ўзбекона тафаккур билан, дунёқараш марказини Ўзбекистонга кўчириш орқали амалга ошади ва мазкур ғоя шундай кишиларгагина ғоявий қувват бера олади. Дунёқараш марказини ўз юртига кўчиришга улгурмаган кимсаларнинг онгида ғоявий вакуум (бўшлиқ) ҳосил бўлади. Аниқроғи, бундай вакуум дунёқараш марказини бир ҳисоб системасидан иккинчи ҳисоб системасига ўтиши пайтида, бир қадрият мўлжаллари системасидан бошқа қадрият мўлжаллари системасига ўтиш жараёнида ҳосил бўлади. Бундай шароитда кучлироқ таъсир воситаларига эга бўлган манфаатдор томонлар мазкур бўшлиққа ўз ғояларини жойлаштиришлари мумкин. Мана шундай шароитда ғоявий ҳушёрлик керак. Президентимиз Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида ёшларимизнинг зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишининг асл сабабларидан бири сифатида ана шу ғоявий бўшлиқ эканлигини айтиб, «табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди» — деб ҳаққоний таъкидлади.

## МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ТАРҒИБ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Миллий ғояни тарғиб этиш керакми? Йўқ. Бу ғояни халқнинг эгаллаб олишига шароит туғдириш, йўл очиш лозим, чунки бу ғоя кишиларнинг онгига мажбур қилиб сингдириладиган тоталитар мафкура ғояси эмас. Бу халқнинг дилидагини юзага чиқариш, халқнинг миллий онгини уйғотиш демакдир. Ҳар бир фуқаро ўзига мен кимман, қандай халққа, қандай жамиятга мансубман, мен юртим учун нима қилишим лозим, қандай қилсам унинг равнақига равнақ, бойлигига бойлик қўшаман, менинг ва авлодларимнинг келажаги қандай бўлиши лозим? — деган саволни қўя олса, бу саволларга жавоб тариқасида миллий ғоянинг моҳиятини англаб етади ва уни дилига жойлашган интилади.

**Миллий ғояни қандай қилиб омманинг дилига жойлаш мумкин?**

**1.** Давлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, ўқув юртларида олиб бориладиган ижтимоий тадбирлар, суҳбат ва мунозаралар орқали.

**2.** Оммавий ахборот воситалари, радио, телевидение, оммавий нашр органлари орқали.

**3.** Партия ва бошқа жамоат ташкилотларининг ўз аъзолари орасида олиб борадиган тарғибот-ташвиқот ишлари орқали.

**4.** Жамоатчилик фикрини ўрганувчи социологик гуруҳларнинг омма орасида олиб борадиган суҳбатлари орқали.

**5.** Миллий ғоянинг моҳиятини яхши англаган, Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақиллик мафкураси талабларини яхши англовчи лекторлар гуруҳини омма орасига юбориш орқали.

**6.** Омма орасида театрлаштирилган оммавий сайил-байрамлар ташкил этиш орқали.

**7.** Халқ орасида миллий ғояга бағишланган танловлар, мусобақалар уюштириш орқали.

**8.** Халқнинг қадимий анъаналарини жонлантириш орқали, масалан, нақшбандия тариқатида пир-муридчилик сулуклари бўлган. Бу анъанага биноан пир муридларига ғоя сингдирган, мурид уларни бажарган ва бошқаларга тарқатган. Пир ғоя қаршисида ҳам, муридлари қаршисида ҳам масъулиятни ўз зиммасига олган. Пир-мурид занжири маънавий жиҳатдан мустаҳкам занжир бўлган. Диндорлар орасида миллий ғояни тарғиб этиш учун ана шу занжирлардан фойдаланиш мумкин.

**9.** Амалий тадбирлар орқали: масалан, тегишли идора раҳбарлари жойларга бориб, маҳаллий шароитда ҳукумат ва давлат қарорларининг қандай ижро этилаётганлигини назорат қилиш, камчиликларни тузатиш, етишмовчиликларни тўлдириш, мавжуд қарорларга ўзгартиришлар киритиш орқали: суд ва прокуратура ходимларининг, адлия органларининг халқ орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришлари орқали, жойларда йўл қўйилган адолатсизликларни бартараф этиш орқали.

Миллий ғояни энг аввало ватанимизнинг ҳимоячиларига, посбонларига, ҳарбий ўқув юртларига, ҳарбий қисмларга, чегара қўшинлари қисмларига, ички ишлар вазирлиги қўшинлари ва ходимларига ўргатиш лозим. Чунки, мустақиллигимизнинг энг биринчи ҳимоячилари ўшалардир. Лекин шуни афсус билан тилга олишга тўғри келадики, **бу жойларда ҳали давлат тилига ўтиш тўлиқ йўлга қўйилмаган, бусиз, яъни давлат тилини билмасдан туриб миллий ғоянинг нозик руҳий ва маънавий қирраларини илғаб олиш мумкин эмас.** Шундай экан, мазкур бўлинмаларда давлат тилининг жорий этилиш даражасини яна бир бор жиддий назорат қилиб қўйиш лозим.

Миллий ғояни шу ғояни қалбан англаган кишиларгина тушунтира олади. Ватанпарвар бўлмаган киши миллий ғояни ҳис қила олмайди. Омма орасида иш олиб борадиган кишилар шу омманинг дард-аламларини ҳам яхши ҳис қила билишлари лозим, шунинг учун миллий ғояни тарғиб этувчиларни яхши ўрганиш, уларга ўргатиш, уларни тайёрлаш лозим. Яна бир мулоҳаза. Миллий ғояни яхши ҳис қилмайдиган киши тарғиб этса, энг хавфли ҳодиса — миллий ғоянинг обрўсизланиши бошланади. Кейинги пайтларда бундай уқувсизлик телевидение орқали уюштирилаётган баҳсларда содир бўлмоқда. Бирор фикрни қайта-қайта такрорлайвериш — унга нисбатан омманинг антипатиясини (ёқтирмаслик ҳисси) қўзғатади. Шу сабабли миллий ғояни тарғиб этишда меъёрга риоя қилиш лозим. Шундай иш олиб бориш керакки, халқнинг ўзи бу ғояни эгаллаб олишга, уни амалга оширишга бутун вужуди билан интилсин.

**Бахтиёр ТЎРАЕВ,**
**профессор**

# «ЁРИЛТОШ» ЁНИДАГИ УЧРАШУВ

Бундан 40 йилча бурун италиялик Робертино Лоретти исмли бола ёшлигидан қўшиқ куйлаб дунёга машҳур бўлганди. Шу йилларда Ўш шаҳрида туғилган Расулжон Урайимжонов ҳам ўша ёшда қўшиқ айтиб, элга «Ўзбек Робертиноси» деган ном билан танилганди. Кейинчалик Санобар исмли қизча пайдо бўлди. Эндиликда эса Достон деган ўспирин, «Ғунча» ва яна бир қанча ансамблларнинг жажжигина қизчалари ва болалари республикамизнинг «Мустақиллик куни» ва «Наврўз» байрамларида куйлашиб эл олқишига сазовор бўлмоқдалар...

Яқинда Ўзбекистон телевидениесида (кечаси) «Ёдингиздами?» деган рукн билан, бундан чорак аср муқаддам олинган ва ўша йиллари республика «ойнаи жаҳони»да бир неча бор намойиш этилиб, манзур бўлган «Санобар Раҳмонова куйлайди» номли телефилмдан парчалар намойиш этилди. Сочига оқ лента бойлаган, кулча юзли, қисиқ кўзли, жажжигина қизчанинг тўлқинланиб куйлагани кўз олдимдан узоқ вақт кетмади. Ҳатто тинчликмикан? — деб хавотирландим ҳам...

Эндиликда Санобар улғайиб, уй бекаси бўлипти, тўртта фарзанднинг онаси экан ҳам. Турмуш ўртоғи — элга таниш, ўзига хос хушовоз хонанда Илҳомжон Жўраев билан бахтли ҳаёт кечирмоқда экан. Орадан анча йиллар ўтишига қарамай тўлишган, ўзбек хонадони бекаларига хос кийинган босиқ сўзли Санобарнинг юзида ҳув ўша чорак аср муқаддам олинган телефилмдаги ёш қизчага ўхшашлиги айнан сезилиб турарди. Ўзбекистон телевидениеси ходимлари ушбу рукн билан хайрли ишга қўл уриптилар. Ҳозирги қўшиқ шинавандалари ва ёшлар билмайдиган қанчадан-қанча ҳофизу-халфалар, хонанда ва созандалар билан учрашилади, ушбу эшиттириш ва кўрсатув давом эттирилса.

Санобар ҳақида сўз кетадиган бўлса бундан 25 йил аввалги ўша жажжи қизча ва унинг оила аъзолари билан илк бор Қирғизистоннинг Олой водийсида учрашган эдим. Камина ўша йиллари институтда ходим бўлиб ишлардим. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг (ЎзРФА) Ўсимлик моддалари кимёси институти Ўрта Осиёнинг тоғ ва чўллари ўсимликлари кимёвий таркибини ўрганиш мақсадида қатор илмий экспедициялар уюштирар эди. Шундай экспедицияларнинг бири Олой водийсида ўн йиллаб мунтазам давом этарди. Мана орадан 40 йилча вақт ўтиб, ўша водий яна тилга олинмоқда. Эндиликда янги тикланаётган ва Олой орқали ўтадиган «Буюк Ипак йўли» ушбу масканни тағин машҳур этадиган бўлди. Президентимиз бош-қош бўлаётган ушбу йўл асрлар оша орзу бўлган, аждодларимиз қатнаб, шарқ ва ғарбни бир-бири билан боғлаган карвон йўлдан қўнғироқли туялар ўрнида эндиликда машиналар қатнови йўлга қўйилади.

Олой водийси қадимдан чорва учун ёзги яйлов вазифасини ўтаб келган. Яқин-яқинларгача бу водий Қирғизистоннинг Ўш вилояти, Ўзбекистоннинг Фарғона водийси ҳамда Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон вилоятлари чорвасининг ёзги ўтлоғи бўлиб келган эди. Ҳозирги Ўш-Хоруғ катта йўлини («Помир тракти» ҳам деб аталади) Саритош қишлоғидан Чўнголой тизмасининг Қизилорт довонигача бўлган қисмининг чап томони (Қизилсув дарёсининг чап қирғоғи) ўша йилларда Андижон вилояти чорваси учун ажратилган эди.

1974 йили экспедициямиз Олой тоғининг Толдиқ довони қуйисидаги Оқбўсаға қишлоқчаси (қирғизлар «айил» дейишади) яқинида Чорарча деб номланган қўналғага жойлашган эди. Экспедиция аъзоларининг бир қисмини шу жойда ишлашга қолдириб, биз Олой водийси сари йўл олгандик. Бу гал Чўнголой тизмаси этакларида ўсадиган ўсимликларнинг кимёвий таркибини ўрганиш учун намуналар йиғиш лозим эди. Шу мақсадда Қизилорт довонига борадиган йўлни кесиб ўтиб, Андижон вилояти учун ажратилган ўтлоқзорларга етиб келиб, қўналға учун жой танладик. Аксарият тоғлардан оқиб келадиган дарё ва ирмоқ сувлари тушдан кейин, кунлар исиб қор эриши натижасида лойқаланиб оқади. Шу туфайли ҳам водий ўртасидан оқадиган асосий дарё суви қизғиш рангига кўра Қизилсув деб аталади. Олойда булоқлар ҳам сероб. Ҳар бир чорвадор ўтови (ёки чодири) одатда бирор булоқ яқинига тикилган бўлиб, ёмғирли кунларда ҳам, дарё суви кўпайиб лойқаланганда ҳам, тиниқ сувга муҳтожлик бўлмайди. Биз чўпонлар қўналғасидан юқорироққа, сув бўйига жойлашиш ниятида эдик. Узоқдаги катта харсанг тош диққатимизни тортиб, унинг ёнида тунамоқчи бўлдик, чунки кечаси совуқ шамолдан унинг ёнида паналаш ҳам мумкин эди. Қоятош яқинига борганимизда унинг бўйи икки қават иморат баландлигидек, эни 8-9, узунлиги эса 11-12 метр эканлиги маълум бўлди.

Қоятош ҳам очиқ ялангликда бўлиб, қачонлардир кучли сув оқими ёки сурилган музлар ёрдамида шу жойга келиб тўхтаган бўлса эҳтимол. Бу улкан тош ўз вазнини оғирлигиданми ёки иссиқ-совуқ таъсириданми ўртасидан тенг икки бўлакка ажралган эди. Унинг ёриғидан катта ёшдаги одам бемалол ўтарди. Кейин билсак, ерли аҳоли ва чўпонлар ҳам бу харсангни эъзозлашиб, унга сиғинишар, «дард ва гуноҳ»лардан фориғ бўлиш мақсадида шу ёриқдан ўтишар эканлар. Шу сабаб тошнинг номи ҳам, исми-жисмига монанд бўлиб, «Ёрилтош» деб аталган экан. Хуллас, тош атрофини айланиб, унинг панаси тунаш учун қулай эмаслигини кўрдик. Устига-устак сизоқ сув борлиги туфайли ер ҳам ботқоқланиб қолган эди. Шунинг учун ҳам, қуйироққа, чўпонлар чодири яқинига жойлашдик. Бизни кўриб чодирдан бир аёл қўлида гўдак қизчаси билан чиқиб, саломлашгач, улар Андижон вилояти Асака туманига қарашли жамоа хўжалиги аъзолари эканлигини билиб олдик. Биз эса Тошкентдан келганлигимиз, доривор ўсимликлар билан шуғулланиб юрганлигимиз, бугун шу ерда тунаб, эртаси юқорига, тоғ этагига қараб кетишимизни айтдик. Чодирдан турли ёшдаги қиз ва ўғил болалар ҳам бирин-кетин чиқиб келишди. Улар орасида 12-13 ёшлар атрофида бўлган, қорачадан келган бошига оқ рўмол ўраган, кўринишидан «Санобар Раҳмонова куйлайди» телефилмидаги қизчага ўхшаган, ўғил болаларга хос кийимдаги қизча кулимсираб қараб турарди. Мен, шофёр йигитимиз Ўктамга қараб: «Бу қизча яқинда телевизорда кўрган Санобар эмасми?» — деганимда, у: «Э, қўйсангизчи, Санобар бу совуқ ой далада нима қилади, тўйларда ашула айтиб юргандир», — деб кулганди. Ўрнашиб бўлиб, кечки тамадди тайёрлашга киришганда, туз олмаганлигимиз маълум бўлди. Мен: «Ўктам, бориб қўшнилардан туз олиб келсангиз», — дедим. У бориб, анча хаяллаб қолди. Қайтиб келгач: «Карим ака, бояги қизча ҳақиқатан ҳам Санобар, ёнидаги онаси ва укалари экан, — деди. — Санобарни шу кийимида ҳам таниганлигингизга қойилман».



Суратда: Раҳмон ака оиласи даврасида (чапдан биринчи муаллиф шофёр Раим ака).

Ўша йиллардаги кундалик дафтарларимни варақлар эканман, Санобар ва унинг оиласи ҳақида ёзган анча-мунча хомаки чизгилар энди асқотди. Ундан бери қанчадан-қанча сувлар оқди, неча ёзу неча қишлар ўтиб, баҳорда не чечаклар гул очмади, бу водийда.

Вақт алламаҳал бўлиб қолганда Санобарнинг отаси Раҳмон ака келиб биз билан сўрашиб, узоқ суҳбат қуриб ўтирди. Унинг гапига қараганда, 30 йилдан буён чорвадорлик касби билан шуғулланиб келаётгани, қишда-пастда Асаканинг ўша пайтдаги «Правда Востока» номли жамоа хўжалигида, ёзда эса Олой водийсида сурув орқасида умр ўтказиб, оила тебратаётгани, чўпонлик касби ҳақида гапириб берди. Қизи Санобар тўғрисида сўраганимда, у оилада учинчи фарзанд бўлиб, унинг яна тўртта укаси борлиги, улар ҳам ота-она қаерда бўлмасин, бирга эканлигини айтди. Санобар биринчи бор Олойга 6 яшарлигида келган, 9 яшар пайтидан бошлаб, от миниб Раҳмон ака билан сурув орқасида юриб, эндиликда бемалол чўпонликни уддалаб келаётган экан. Унинг қўшиққа бўлган ҳаваси эса 4-синфда ўқиб юрган кезларида бошланган. Уларнинг на ота ва на она аждоду-авлод ларида қўшиқ билан қизиққанлар бўлмаган. Санобарда эса бу ғойибдан, Оллоҳ берган иқтидор бўлса керак, деб изоҳлаганди Раҳмон ака, ўшанда. Санобарнинг гапига кўра мактабда ашула дарсида ҳам ўзига хос овози билан бошқалардан ажралиб турган, унга мураббийси Ғуломжон ака Рўзибоев эътибор бериб, кейинчалик устозлик қилган. Биринчи бор ўрганган ва уни эл-юртга танитган қўшиғи «Андижоним» бўлган, кейинчалик «Устозлар», (ҳозир ҳам радиода берилади), «Онажоним — меҳрибон», «Гўзал Фарғонам», «Ёр-ёр», «Айлай» ва ҳоказо қўшиқлар унинг келгуси репертуаридан жой олган.

Санобар ҳақида телефилм яратиш масаласи ҳам антиқа бўлган экан. Бир гал Андижон вилояти деҳқонларининг анжумани ўтказилган. Унда қатнашиш Санобарга ҳам насиб этиб, таниқли хонандалар қаторида ўша «Андижоним» қўшиғи билан саҳнага чиққан. Ўша йиллар таомилига кўра деҳқонлар қурултойи ва уларга атаб берилган концертда республиканинг ўша йиллардаги раҳбари Шароф ака Рашидов ҳам қатнашган. Концерт пайтида «Шу қизча ҳақида ярим соатлик телефилм яратиб, телевидениеда намойиш этиш», ҳақида таклиф айтган экан. Хуллас, ўша воқеадан кейин кино ходимлари Санобарни мактабда, йиғилишларда, истироҳат боғида, стадионда, ва ниҳоят, Олой водийсида қўй боқиб юрган чоғида, у ердаги ўртасидан тенг иккига бўлинган улкан харсанг «Ёрилтош» устида, чўпонлар ҳузурида куйлаган чоғларини суратга олганлар. Кейинчалик бу телефилм «Санобар Раҳмонова куйлайди» номи билан машҳур бўлиб, шинавандалар ва телетомошабинлар олқишига сазовор бўлганди (Телефилмда ижро этилган қўшиқларнинг айримлари ҳозиргача ҳам ўша жажжи Санобар ижросида гоҳида радиода эшитилиб қолади).

Биз учрашган пайтимизда Санобар ўғил болаларга хос кийинган, сочи ҳам тақир олинган эди, онасидан «Не сабабдан сочини олдириб ташладингиз?» — деб сўраганимда, «Шу телефилм сабаб, қизимга «кўз тегди», узоқ вақт хасталаниб қолди шифохонада даволаниб чиққач, врачлар сочини олдириб ташлашни маслаҳат бердилар», — деб куйинганди. Санобар бўлса болаларга хос соддалик билан телефилм воқеаларидан кейин ҳар хил йиғилиш ва концертларга бетиним таклифлардан анча чарчагани, ҳатто тўйларга ҳам таклиф этишиб, ўқиши ҳам кўнгилдагидай бўлмаётгани, айрим йиғилиш ё тўйдан кейин эътиборсиз қолиб кетиб, ҳатто уйга қайтишга ҳам қийинчилик бўлганини айтганди, ўшанда. Аввалига ичтерлама, кейинчалик сариқ хасталиги унинг саломатлигига анча салбий таъсир этганлиги кўриниб турган эди. Шифокорлар ҳам иложи бўлса, бир-икки йил, саломатлигини тиклаб олгунча, қўшиқ айтмасликни маслаҳат берган эканлар.

Биз келмасдан 3-4 кун бурун Санобарнинг шифохонадан соғайиб чиқиб Олойга келганини билдириш мақсадида ота-онаси марака ўтказишиб, чўпонлар удумига кўра кўпкари ҳам уюштиришган эканлар. Раҳмон ака қўналғасида ҳали бу тадбир изи кетмаган эди; ерда тўшалган наматлар, чала йиғиштирилган дастурхон, қозон-ўчоқлар, сочилиб ётган ўтинлар бу тадбирдан далолат эди.

Санобардан кейинчалик қайси касб эгаси бўлмоқчисан, деб сўраганимда, аввалига Тошкентдаги мусиқа мактабига ўқишга кириш, сўнгра имкон бўлса, консерваторияда таҳсил олиш иштиёқида эканлигини айтганди. Раҳмон ака бўлса «Ҳозирги болаликдаги ҳавас кейинчалик қоладими, йўқми билмадим, балким бизнинг фарзандлардан Санобар кейинчалик санъаткор бўлса ёмон бўлмасди» деганди. Ёшликда ҳамма ҳам ўзича қўшиқ хиргойи қилиб юради, кимдадир бу иқтидор умрининг охиригача қолади, кимгадир бу шунчалик ҳавас бўлиб, кейинчалик бесамар бўлади. Санобар ҳам ўрта мактабни тугатиб, тақдир тақозоси билан Андижон пахтачилик институтида таҳсил олиб, олий маълумотли агроном бўлибди. Лекин қўшиққа бўлган ўша ёшлигидаги ҳавас сўнмаган чоғи, хонанда Илҳомжон Жўраев билан институт даргоҳида ўқишиб, бирга куйлашиб, сўнгра оила қуришибди. Ҳозир ҳам радиода бирга ижро этишган қўшиқлари мавжуд.

...Хайрлашишдан аввал Раҳмон ака оиласи билан расмга ҳам тушганмиз.

Хуллас ўша кечаси кўрган телефилм воқелари мени узоқ Олой водийсига бошлаб кетди. Тепасигача қор билан қопланган баланд залворли тоғлар ўртасидаги кўм-кўк водий, қатор-қатор ўтовлару чодирлар, қўй-қўзилар подаси орқасида чўпон таёғини ушлаган, ёз чилласида ҳам устидан пўстини, чакмони ёки тўни ечилмаган, тиним билмайдиган беором чўпонлар, Раҳмон ака оиласи, унинг совуқ шамолу, изғирин елдан қорайган кичик жуссали меҳнаткаш аёли, фарзандлари хаёлимга келди... «Умр оқар дарё» дейди халқимиз. Ҳадемай мана орадан чорак аср вақт ўтибди. Биз учрашган пайтимизда эндигина 2 ёшга тўлган энг кичик қизча ҳам 30 ёшни қоралаб, Раҳмон ака ҳам омон бўлса 70 ёшлардан ошиб, ўзимизча айтгандай «кексалик гаштини суриб» келаётгандир. Ушбу сатрларни ёзар эканман, кўз ўнгимдан Олой водийсидаги Жонайдар дарёси бўйидаги 3 та чодир, салобатли ва босиқ сўзли Раҳмон ака, унинг оиласи, от миниб ўғил болаларча кийинган Санобар ўтди. Раҳмон аканинг бошқа фарзандлари ҳам улғайишиб, ҳаётда ўз ўрнини топган бўлсин-да ишқилиб. Бирортаси ота-она касбини олганмикин? Улғайишиб эндиликда ўзлари ота-она бўлган ўша болакайлар билан яна учрашиш насиб этадими ёки йўқми, билмадим, лекин қаерда бўлсалар ҳам уларга омонлик тилайман. Умр бўйи сурув орқасида рўзғор тебратиб кун кечирган Раҳмон ака фарзандлари ҳам эндиликда мустақил республикамиз равнақи учун ота-оналари касби борига шукр қилиб, тинч, осойишта замонимиздa муносиб умр ўтказаётганлигига имоним комил. Мабодо Андижонга бориб қолсам, Санобарлар хонадонига кириб, уларни бир кўрсам, ота-онасини ва ака-укаларининг сиҳат-саломатлигини билсам дейман. Балким, Олойга бориш ҳам насиб этар. Ахир «Буюк ипак йўли» энди барча учун баробар-ку. Янаям ким билади дейсиз: ҳаётда нималар бўлмайди.

**Каримжон ТОЙЖОНОВ,**
**биология фанлари доктори**

# ОЛЛОҲГА САЛОМ БЕРИЛАДИМИ?

*Бу масала ғоят қизиқ*

Пайғамбаримиз меърожга чиққанида, Оллоҳ таоло у кишидан «Ҳабибим, менга инсонлардан нимани совға қилиб келтирдинг?» — деб сўраган экан. Расулуллоҳ «Мен камтарликни совға қилиб олиб келдим», — деб жавоб берганларида, инсон зотига хос бўлган бу олижаноб хислатдан мамнун бўлган Тангримиз расулига қарата «Ассалому алайкум!» — дея хитоб қилибди, шу тариқа саломлашиш кейинчалик бизларга ҳам ўтган экан.

Таниқли уламоларимиздан бири бу илоҳий ривоятни юзлаб кишилар жам бўлган бир издиҳомда сўзлаб ўтди. Асосий мазмуни камтарлик Оллоҳ ҳузурида нақадар марғуб фазилат эканлигини кўрсатиш бўлган бу нақлдан, менимча, айни пайтда яна бир маъно — саломнинг Оллоҳдан эканлиги, яъни Оллоҳга салом берилмаслиги ҳам аён бўлади. Дарҳақиқат, бу фикр саҳиҳ бир ҳадис орқали ҳам тасдиқланиши мумкин. Унда айтилишича, исломни қабул қилиб, намоз ўқишни бошлаган дастлабки мўъминлар ибодат тугагач, тилак сифатида «Оллоҳга салом бўлсин, фалончига салом, ундан кейин фалончига салом, ундан кейин фалончига салом бўлсин!» тарзида ўз билганларича дуо қилишар экан. Пайғамбаримиз уларни бундан қайтариб, «Оллоҳга салом берилмайди, чунки Оллоҳнинг ўзи Саломдир!» — деб танбеҳ берган, шундан сўнг бу одат мансуҳ бўлиб, Пайғамбаримизнинг амри билан ташаҳҳуддан кейин ўқиладиган дуода, жумладан, «Ассалому алайно ва ало ибодилоҳис-солиҳин» («..бизга ҳамда барча солиҳ бандаларга... Оллоҳ таолонинг саломи бўлсин!») деб тилак қилинадиган бўлган экан **(«Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ», 1-китоб, Тошкент, 1991, 230-231-бетлар, 4-китоб» 1992, 143-бет).** Буни ота-боболаримиз хўп яхши билишган, шу боисдан ҳам бирон вақт дуода, тилакда, шукрона ёки ниятда Оллоҳга салом бериш мотиви учрамайди.

Қуръонда, ҳадисларда ва бошқа манбаларда Пайғамбаримизнинг (демакки, бошқа пайғамбарларнинг ҳам) инсон сифатида Оллоҳнинг бир бандаси ва элчиси эканлиги бот-бот уқтирилади (**«абдуҳу ва расулуҳу»**). Чорёрлар, саҳобалар ва азиз-авлиёлар ҳам инчунин. Шундай экан, уларга Оллоҳнинг раҳмати ва мағфиратини тилаш ўрнига... салом йўллаш қалай бўларкан?

Қарийб бир ярим асрлик тақиқ ва таъқиблардан яқингинада қутулиб чиққанимиздан бўлса керак, баъзи жиҳатлардан баайни динга яқинда кирган одамларга ўхшаймиз — ўзимизни унча-мунча мўъминдан ўткирроқ кўрсатишга чираниб, гоҳо меъёридан ошириб юборамиз.

Чунончи, телевизор қулоғини бурасангиз, ҳар ҳафта — ўн кунда бирон ижодий мусобақа намойишини кўрасиз: ё икки тумандаги, ёки икки қишлоқдами, маҳалладами тузилган фолклор дасталари ёхуд ҳамшира қизлар ўзаро беллашаётган бўлиб чиқади. Ва бунда албатта бошига оқ рўмол ёпинган келинни таъзимга ундаётган санъаткор опахоннинг чилдирмани даранглатиб, «келин салом» куйлашига гувоҳ бўласиз:

**Аввал айтай ҳазрати Парвардигоримга салом!**

**Икки оламни яратган биру боримга салом!..**

Ва ҳоказо... шу тарзда ғазал давом этади. Аммо баъзи вилоятларда бунинг жўнроқ шакли ҳам учрайди:

**Аввало худойимга кўп салом!**

**Ўтган жамики пайғамбарларга салом!**

**Шу ердан ўтган азиз-авлиёларга салом!**

**Ер эгаларига салом!**

**Шу хонадондан ўтган**

**ота-бувaларнинг арвоҳига салом!..**

Опахонлар ана шу тарзда Пайғамбаримизга, у кишининг аҳли байтларига, чорёрларга, саҳобаларга... салом айтиб тугатгач, «ҳамёнини кавлаб пул берган» қайнотага, «паст девордан қараган, тўй қачон деб сўраган» қўшниларга, «Сочини силлиқ тараган, Қизлар ўтса қараган Куёв жўраларига салом» бердириб, маросимни давом эттиришади.

Сув янги очилган чоғида тошиб, қирғоқларни ўпиргани синтилаш... тўғри бўладими, деган иштибоҳдаман. Диндорлигимиз бир тутиб кетса, ота-боболаримиздан ҳам тақводор бўлишга урина бошлашимиз — аслида чаламуллалигимизнинг аломати эмасмикин? Оллоҳ ва унинг расулига салом бериш, ҳаттоки тўғри деб топилганида ҳам, бу саломнинг азбаройи кулги учун «оғзи сабзи ўрадай» деб таърифи келиштириладиган қайноғага бериладиган салом билан кетма-кет келиши-чи?

Динга алоқадор масалалар ниҳоятда нозик ва қалтис. Бунда «вой, нима қипти, Оллога салом берса, бунинг нимаси ёмон экан» қабилида жўн ўйлаш диний жаҳолатдан бошқа нарса эмас. Дин соҳасида, динни тарғиб этиш борасида салгина қинғайиш ҳалигари, кўплар диндорлигидан масрур бўлган ҳозирги пайтда ҳар вилоятда янгидан-янги «Келин салом»лар ижод этилаяпти:

**Гулип дурсун осмондаги ойимиз,**
**Тўйхонада бўлаверсин жойимиз,**
**Хавф-хатардан сақласин худойимиз,**
**Олло-таолога таъзим билан баринг салом!**

Яна:

**Аввалгиларни ёд атиб,**
**Пайғамбарларни шод атиб,**
**Одам ато, Ҳаво анамга**
**Жуфт салом!..**
(**«Хоразм оғзаки ижод дурдоналари»дан**).

Яқингинада бодраб пайдо бўлган бу «оғзаки ижод «дурдоналари» кўп эзгу тилакларнинг тажассуми эканлигига менда ҳам асло шубҳа йўқ, лекин Оллоҳга салом берилмаслиги қоида бўлатуриб, бизни яратган ва бизга сиҳат-саломатлик, омонликни ато этадиган зотнинг ўзига соғлик ҳозир деярли билинмагани билан, бора-бора талқиндаги катта, жиддий тафовутларга, улар эса фикрий ихтилофларга олиб келиши мумкин. Уламоларимиз ҳам бундай ҳолларда ўзларини тағофилга солмай, динга даҳли бор ҳар бир катта-кичик масалага ҳушёр ёндашиб, ҳақ сўзларини айтиб турсалар, айни муддао бўлар эди. **Пайғамбаримиз ўз саҳобаларини қайтарган бир жоҳилона ишдан муҳтарам имомларимиз ҳам ўз қавмларини қайтарсалар, савоб бўлса керак?**



Мавзуга қайтсак. Хўш, «келин салом»лар аслида қанақа бўлган, унда кимларга салом берилган? Халқ қўшиқларининг билимдони Музайяна Алавия тўплаб нашр эттирган «Оқ олма, қизил олма» тўпламидаги «келин салом»ларда энг аввал куёвга, ундан кейин қайнотага, қайнонага, куёвнинг акасига, янгасига, синглисига... маҳалла аҳлига, қариндош-уруғларига, хуллас, шу маросимда турган тирик одамларга салом берилади, холос.

Шу кунларда тўйларимизда келин саломларни санъаткор аёллар томонидан ўтказилиши «мода» бўлди. Уларнинг кўпчилиги тўй эгаларининг ҳусни таважжуҳини қозониш мақсадида ўз художўйлигини кўз-кўз этиш очиқ-ойдин билиниб турадиган " келин салом"ларни куйлашга ружу қўяяптилар, яъники, тақводорлик бетаъма эмас. Келинни ҳам, куёв томонни ҳам танимайдиган, «хизматга келган» санъатчилар ўрнига, қадимда бўлганидай, келиннинг бирон шаддодроқ ўланчи қиз дугонаси, ё янгаси, ё бўлмаса маҳалла кайвониси ижросидаги оддий, самимий, чин ихлос ила бериладиган салом афзалроқ. Биз диндор бўлайлик, аммо маърифатли диндор бўлайлик, акс ҳолда бидъату хурофот авж олади.

Қолаверса, ўзбек элининг тўй маросимлари ҳам асрлар оша шаклланган, эндигина келиб, халқимизнинг тийнатида бўлмаган бундай мотивларни унга оид деб тақдим этиш ҳам жилла ўринли эмас. Бинобарин, кайвони опахонларимиз «келин салом» матнига тақводорликни кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай байтни ўз билганича ижод қилиб қўшмасалар, савоблироқ бўларди...

«Келин салом»лар ўзбек тўйининг гўзал бир лавҳасидир. Биз тўйларимизнинг қадимий ва дунё аҳли кўрса ҳавас қиладиган бетакрор анъаналаримиз билан тобора жилоланиб боришини истаймиз. Бугина эмас, ҳозирда қарийб унутилаёзган, куёв томонининг келин томонга атаб айтадиган, шунингдек, келинникига куёв навкарлари билан келганларида қиз томонидан айтиладиган «Хуш келдингиз», «Муборак» каби анъанавий тўй қўшиқлари ҳам турфа вариантларда айтилиши тарафдоримиз. Уларни эркимиз ўз қўлимизга кирган, бунинг шарофатида гўзал, олижаноб миллий анъаналаримизга, урф-одатларимизга кенг йўл очилган ҳозиргидай бир даврда куйламасак, қачон куйлаймиз? Фақат, истардикки, «Келин салом»лар, бошқа тўй маросими қўшиқларининг ижроси каби отарчилар қўлига ўтиб кетмаса. Ана шунда беғубор миллий анъаналаримиз тобора ривожланар, тўй ўтказиб ҳамёни юпқалашган хонадон соҳиблари ҳам яна бир чиқим даҳмазасидан қутулишар эди.

Қуйида атоқли фолклоршунос Музайяна Алавия ёзиб олиб нашрга тайёрлаган «Келин салом»лардан бирининг матнини намуна сифатида диққатингизга ҳавола қиламиз.

**Тўлиб оққан сойдек,**
**Ўн тўрт кунлик ойдек**
**Куёв болага салом!**

**Боғ орқасидан йўл берган,**
**Ҳамёнидан пул берган**
**Куда бувамга салом!**

**Одам келса хуш деган,**
**Меҳмонхона бўш деган**
**Акасига салом!**

**Сувдан чиққан зулукдай,**
**Қоши кўзи пиликдай**
**Келин пошшога салом!**

**Экканлари садойи,**
**Деҳқонларнинг бобойи**
**Аҳмадбойга бир салом!**

**Пиширган нони наввойи,**
**Келинчакларнинг мамойи**
**Дилором онамга бир салом!**

**Боқувдан чиққан отдек,**
**Икки бети манотдек**
**Ҳабибуллога бир салом!**

**Маъракани ушатган,**
**Тўққиз товоқни бўшатган**
**Тўлабойга бир салом!..**

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ**

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛАЯПМИЗ?

Ҳар бир инсоннинг жамиятдаги моддий ва маънавий фаолияти натижасида маданият шаклланади. Авлодлар томонидан ўзлаштирилган маданият эса шахснинг ижтимоийлашув жараёнини (социализация) вужудга келтиради. Маданияти шаклланган шахс ижтимоий ҳаётда зиёли инсон сифатида фаолият кўрсатади. Худди шу маънода ҳукуматимиз томонидан маънавий масалаларни давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бежиз эмас.

Халқимизнинг тўй ва маъракаларни ўтказишда дабдабабозликка, исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳақидаги Президентимиз Фармонида ҳам ана шу мақсадлар кўзда тутилган.

Тўйлар, урф-одатлар, анъаналар илгаридан яхши ниятлар билан қилинади. Бу урф-одатлар ичида шундай донолик «яширинган» эдики, булар оилада ҳалоллик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик бўлишига зурриётларнинг соғ-саломат туғилиб, баркамол ўсишлари учун хизмат қила олган. Ҳозирги вақтга келиб эса, тўй ва маъракалар ўзининг ижтимоий моҳиятини йўқотиб боряпти. Моҳияти англанмай ўтказилаётган тўй ва маъракалар ёшларимизнинг ижтимоий-маданий шаклланишида ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Ҳатто, фарзандларнинг ҳар томонлама соғлом, бақувват туғилишлари, ўсишлари учун тўғаноқ ҳам бўлаяпти, деб айтишимиз мумкин. Чунки шундай ҳоллар учраяптики, айрим ҳамюртларимиз ҳеч кимдан қолмаслик учун, ёки эл-юртчиликда шундай қилиш шарт экан, деган мақсадда қарз олиб катта тўйлар қилишади. Тўйдан кейин эса топган пули қарз тўлашга кетади, уйда эса ўртача еб-ичишга ҳам имкон бўлмай қолади. Чунки ойлик маош қарзларни тўлаш учун сарфланади.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: бир оз вақт ўтгач, келиннинг бўйида бўлиб қолса-ю бечора келин кўнгли тусаган нарсани тўйиб тановвул қила олмаса, ҳатто организм учун керакли бўлган озуқаларни ҳам меъёрида истеъмол қила олмаса, бунинг устига эрта-ю кеч юмушлар билан тиним билмаса. Икир-чикир гап-ғийбатлар руҳан эзиб турса, руҳияти сўлиб борган сўлғин келин қандай қилиб бақувват, соғлом фарзанд кўрсин?! Қишлоқларда совуқ кунларда юпун кийиниб оёғида калиш билан ишга қатнайдиган ёш келинлар кўплаб учрайди. Ота-оналари эса киши кўзига одамлар учун катта тўйлар қилишган, ялтир-юлтур кийимлар олиб беришган, лекин инсоннинг ўзи учун, кундалик эҳтиёжи учун керак бўладиган нарсани сотиб олишга оғринишган. Бундай ҳоллар билан биз ўз маънавиятимизни оёқ ости қилаяпмиз. Маънавиятимизнинг топталишларидан яна бири тўйларимизда қилинадиган сарполар, сеплар, олди-бердилар, тоғора-тоғора пишириқларнинг инсон қадридан ҳам устун бўлиб қолганлигидир. Кўпчилик аёлларимиз шу даражада молпараст бўлиб кетдиларки, инсон қадрини ана шу нарсалар: тоғораю, олди-бердилар билан ўлчайдиган бўлиб қолдилар. Оқибатда бу ўткинчи дунёнинг паст, икир-чикир нарсалари йиғилиб, жонланиб ҳаётларининг асл мазмунига айланиб қолди. Ҳаётда ана шулардан бошқа улуғроқ, гўзал нарсаларни кўрмай, тоғораю ноғора, олди-бердиларнинг тагида ўралашиб қолдилар. Ҳайрон бўласизми, ана шу нарсаларни деб вайрон бўлган диллар, бузилган оилалар ҳам балки топилади. Энг ёмони, шу ҳоллар ҳам кўзга чалинмоқдаки, аксар аёлларимиз вақтларини «пойлоқчи»ликда ўтказмоқдалар. «Ким нима олиб келди?», «Қандай кийинди?», «Қандай сарпо қилди?», «Нечта тоғора жўнатди, қандай мато қўйди, устида нима нарсаси бор экан?» ва ҳоказо. Чарлар, бешик тўйи, ўғил тўйи, ҳайит йўқловларни қўя беринг. Булар ким «ўзар», «лол қолдириш», «жанг»ларига айланиб кетди. «Кўрмаганнинг кўргани» шу бўлса керак-да!



Қаерда бўлмасин, иккита ўзбек аёли йиғилса, иккитаси, тўртта аёл йиғилса, тўрттасининг суҳбат мавзулари фақат ана шундай бордикелдилар ҳақида. Шунинг учун ҳам бўлса керак, фарзандлари балоғат ёшига етган бўлса бўлди, уйлантириш, узатиш тараддудига туша бошлайдилар. Ҳаётга, оила қуришга фарзандлари тайёрми, йўқми — бу нарсалар уларни қизиқтирмайди. Шундай ҳоллар учрайдики, неваралари нимжон туғилган, алоҳида мунтазам парваришга муҳтож. Лекин ота-оналарга шу вақтда болани оёққа турғазиб олиш эмас, биринчи навбатда бешик тўйи чиллагузаронларни ўз вақтида ўтказиб олиш муҳим.

Катталарнинг бундай дунёқарашлари ёшларимизнинг ҳам маънавиятига салбий таъсир кўрсатади. Энди фақат қиз болалар эмас, балки йигитларимиз ҳам майда-чуйда, икир-чикир молпарастлик дунёсидан четда эмаслар. Агар бир пайтлар айрим қизлар сарподан кўнгиллари тўлмай араз қилиб йиғлаган бўлсалар, энди айрим йигитлар ҳам «араз» қилмоқдалар. Келиннинг олиб келадиган сепи уларни ҳам қизиқтирмоқда, йигитлар ўртасида ҳам бу нарса суҳбат мавзусига айланиб қолган. Айтишларича, бу куёв бўлмиш ўз ўртоқлари олдида кам қилинган сарподан уялганидан ота-онасига жанжал қилибди «Менинг бошқалардан қаерим кам?» деб. Ўйлаб туриб хафа бўласан. Йигит киши ким? Орияти ҳамиша Алпомиш тахлит кучли, синмас бўлиши керак эмасми? Қачон ўзбекларнинг сарпосига олиб келадиган сепига қараб қолишган эди?

Маънавий дунёси емирилгач, инсон жамият талабларига жавоб бермайди. Бундай инсонлар билан жамият тараққиётига илгарилаб кетмайди. Демак, бизнинг ўтказаётган тўй ва маъракаларимизда бўлаётган ортиқча оворагарчилик, кўз-кўз қилиш, ман-манликлар бизнинг ёшларимизнинг маънавий дунёсини замонавий руҳдан узоқлаштиради. Назаримда фақат Тошкент шаҳрида бўладиган ҳайит йўқловларига қатъиян чек қўйиш зарурдир. Чунки, ана шу ҳайит байрамларининг асл моҳияти ўзгариб кетганлиги сабабли бизнинг ёшларимизни, қизалоқларимизни «пойлоқчи» бўлиб ўсишларига сабаб бўлаяпти. Қизалоқлар уч кун ҳайит байрами ичида 100 дан ортиқ таниш-нотаниш хонадонларга гуруҳ-гуруҳ бўлиб маҳаллама-маҳалла борадилар. Ҳар бир хонадонга кириб келиннинг қандай кийиниши, сеплари, дастурхон устию қўйилган нарсаларни бирма-бир кўздан кечириб чиқадилар, солиштирадилар. Ана шу тарзда қизалоқларимиз секин-аста бўлажак молпараст, ғийбатчи «пойлоқчи»га айланиб борадилар. Бундай ҳолда ёшларимизнинг келажаги қандай бўлади, келажакда улар ҳам она бўлиб, қандай фарзандларни тарбиялайдилар?

«Сен мендан, мен сендан» қабилида иш тутиш, манманлик, дабдабага берилиш шунчаликка етиб келдики, ҳатто фарзанд дунёга келганда уни туғруқхонадан олиб чиқиш маросимини кўриб ёқангизни ушлайсиз. Туғруқхонадан чиққандан сўнг ким кўчада чақалоқ шарафига уриштириб ичади! Яна янги туққан онага ичириш қайси ахлоққа сиғади. Ана шу ҳолатни ғурурланган ҳолда эсдалик учун тасвирга туширадилар! Фарзанднинг камоли, бахт-саодати унинг маънавий олимона ҳаёт кечиришида эканлигини бундай ҳол-аҳволлар ичида қачон англаймиз?!

Биз ФХДЁ бўлими деб атайдиган никоҳ ҳужжатларини расмийлаштириш маросимларида қандай маъно бор? Наҳотки, 4 киши билан ўтиш керак бўлган маросим катта дабдабага айланиб кетса. Яна ҳаммаси зерикарли даражада бир хил сценарий асосида сийқа ўтади.

Шу ўринда аза маросимлари ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтсак. Ислом таълимоти бўйича уйида 3 кунлик овқатга заҳираси бор одам худо йўлига қилинадиган зиёфатларга бориши мумкин эмас. Шундай экан 20, 40, йил оши каби маъракаларни ўтказишдан аввал ўйлаб кўрайлик! Буларни ким учун ва нима учун қилаяпмиз? Қилаётган ишимиз риё эмасми? Шу маъракаларни ўтказишда қанча исрофгарчилик, оворагарчилик бўлади. Агар шу маъракага кетадиган сарф-харажатни тўқларга эмас, балки муҳтожларга сарфланса, бу ҳақиқий худойи бўлмайдими? Бундай турли ортиқча сердаҳмаза ишларга чек қўйилишида фақат аёллargина катта таъсир кўрсата оладилар.

Биз кўпчилик аёллар умримизни, вақтимизни оилада не азоб билан тўпланган пулни ҳар хил тўй-маърака, йиғинларга сарфлар эканмиз-у фарзандларимизнинг тарбияси учун, унинг камолга етиши учун ҳеч қандай вақт, сарф-харажатга имкон топа олмас эканмиз.

Францияда бола 1 ёшга тўлган вақтдан бошлаб ота-онасининг ҳеч қандай тўй-маърака, худойи йиғин-йўқловларга боришга вақти бўлмас экан. Болани шу вақтдан бошлаб ҳар хил музейларга, расм кўргазмаларига олиб бориш, яхши чалғувчини чақириб ёки ўзлари олиб бориб классик куйларни эшиттиришар экан. Умуман олганда фарзанднинг маънавий камол топиши учун ҳеч қандай вақт, сарф-харажатни аямас эканлар. Биз фарзандларимиз учун нима қилаяпмиз деганда йиғиб қўйган сепларни, қуриб қўйган уйларни назарда тутадиган бўлдик. Булар ҳам балки керакдир. Лекин шуларгина билан кифояланиб қолсак, келажак нима бўлади?

Агар биз аёллар, ҳар биримиз бор кучимизни, иқтидоримизни тўй-ҳашам, маъракаларга эмас, балки фарзандларимизнинг ҳақиқий камоли учун сарфласак, жамият тараққиётига қанчалик ўзимизнинг ҳиссамизни қўшган бўлар эдик. Бунинг учун биз керак бўлмаган ортиқча дабдабалардан, урф-одат даҳмазаларидан онгли равишда воз кечишимизга тўғри келади. Ватанимиз тараққиёти, келажак авлод учун, биз ана шундай янги ҳаёт учун курашиб, ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Ахир, Алпомиш, Барчинойлар қайда туғилдилар. Биз қандайдир молпарастларни эмас, юртпарвар, мард, юрагида соф муҳаббат жўш урган қобил фарзандларнинг онаси бўлишимиз керак. Бу бизнинг келажак авлдлар олдидаги оналик бурчимиздир.

**Юлдуз АМИРЖОНОВА**

## АЙТИБ КЎРСАК...

**Йўқ, сўз ясамадик, таржима ҳам қилмадик. Биз унчалик (ёки умуман) эътибор берилавермайдиган, эҳтимол элнинг ўзи ҳам беихтиёр қўллаб турадиган (кўпинча ўз қишлоғимда эшитганман) сўз-ифодаларни қоғозга туширдик холос. Сиз-чи, эшитганмисиз? Ёки ўзингиз ҳам айтиб турасизми? Айтиб кўраверсак, балки ёзгимиз ҳам келиб қолар...**

**Қулупнай — ертут**

**Компютер — билгич**

**Подъезд — зинажой**

**Шашлик — сихкабоб (сихкавоб)**

**Зал — йиғинжой**

**УЗРО**

*Сир-синоатларга бой дунё*

# МАЙЯ ЎЛКАСИ ЖУМБОҚЛАРИ

Курраи заминда асрлар оша инсоният ақлини лолу ҳайрон этиб келаётган мўъжизавор тарихий-маданий ёдгорликлар бисёр. Улардан бири, шубҳасиз, Лотин Америкасининг одамзот ўтолмайдиган чангалзорлари орасида қолиб кетган қадимий Майя подшолиги харобаларидир.

Хўш, бир замонлар кўп поғонали эҳромлару меъморий гўзаллиги жиҳатидан бетакрор шаҳарлардан ташкил топган бу мамлакат қолдиқлари бағрида қандай сир-синоатлар мужассам? Майя юрти аҳли аслида кимлар бўлишган?

Ривоятларга қараганда, узоқ ўтмишда яшаган йўлбарссимон махлуқ - Қоплон ер фарзанди бўлмиш гўзал қизга уйланади. Бу ғайритабиий никоҳдан, вақти-соати етиб, ярим илоҳий фарзандлар туғиладилар. Улар ўсиб-улғайиб, камолга етишгач, ўз тақвимларини яратадилар, замоналарига мос фалакиётшунослик ва риёзиёт фанларига асос соладилар. Айни чоғда, бир-бириданобод-кўркам шаҳарлар барпо этадилар. Уларни аждодлари — Қоплон сиймоси акс эттирилган ҳайкаллар билан безайдилар.

Қоплон ҳайкали, айниқса, мамлакат пойтахти ла-Ванта шаҳрида деярли ҳар қадамда кўзга ташланиб турган. Чунончи, вулқонлар отилиши жараёнида ҳосил бўлган шаффоф жисм — базалтдан қурилган меҳробларда, тош ёдгорликларда ҳам ўз ифодасини топган. Ҳайкалларга ниҳоятда нозик дид билан, қимматбаҳо терма тошлар воситасида зеб берилган. Натижада, ойдин кечаларда кузатган одамга улар худди жонланаётгандек бўлиб туюлган.

Кишини, айниқса, Қоплоннинг боши тасвирланган тўртта улкан обида ҳайратга солади. Яна бир муҳим жиҳати, улардан учтасининг нигоҳи самога қадалган. Бошларига эса, ҳозирги фазогирлар шлёмига ўхшаш товуш ва сув ўтказмайдиган қалпоқ кийдирилган.

Олти қиррали базалт устунлардан тикланган деворлар иккинчи ажойибот ҳисобланади. Турли-туман тасвир-белгилар туширилган бу устунлардан ҳар бирининг оғирлиги икки тоннага яқин бўлган.

Майя аҳли, Қоплондан ташқари, қанотли аждаҳога ҳам топинган. Бу бежиз эмас. Афсоналарда нақл этилишича, Чичен-Ицу шаҳрига жанубдан гўёки Улкан Кукулкан учиб келади. Маҳаллий аҳоли унга ҳам алоҳида эътиқод қўйиб илоҳийлаштиради. Сабаби - Кукулкан беқиёс фазилатлар ва куч-қудрат соҳиби бўлган. Жумладан, тошлардан осонликча ҳаво тўрлари тўқиган. Шу тариқа шамолни банди этиб, ўзига бўйсундирган. Бундан. ташқари, қуш қанотларига ўхшаш қийиқ ясаган. Сўнгра унга ўтириб олиб, шамоллар кўмагида сув узра сайр қилган. Иттифоқо, қаттиқ шамол қўзғалгану Кукулкан кутилмаганда Кўкка кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлган.

Шу воқеадан кейин кўп ўтмай ўлкада меъморий жиҳатдан ўта серҳашам саналмиш Паленка шаҳри қурилиши бошлаб юборилади. У Кўк тангриси шарафига барпо этилади. Лойиҳаси ва кўринишидан батамом уни эслатиб туради. Шаҳар марказида поғона-поғонали тўртта эҳром ва расадхонали сарой қад ростлайди. Коҳинлар айнан шу ердан туриб, самовий жисмлар ҳаракатини кузатишга киришадилар. Уларга қараб ўз тақвимларини яратадилар.

Юкатан ярим оролида Цибилчатун шаҳри чирой очган. У ҳудудий жиҳатдан майяликларнинг қолган жамики шаҳарларидан каттароқ ҳисобланган. Афсуски, ривоятларга кўра, бу шаҳарга кейинчалик бало-қазо дорийди. Ярим орол ногаҳоний кучли пўртаналар оғушида қолиб, гуллаб-яшнаган гўшалар вайронага айланади.

Бу афсона бизга Атлантида ҳалокатга юз тутган дамларни эслатади. Зеро, маҳаллий аҳоли ҳозир ҳам Цибилчатун Атлантиданинг энг сўнгги шаҳри бўлган деб билишади ва бунга қатъий ишонишади.

Кўҳна Майя аҳли баланд чўққиларни забт этганлар. Тоғлар бағридан қудуқлар қазиганлар. Бундай об-ҳаёт манбаларидан айримларининг чуқурлиги 60 метргача етган. Қоялардан бирида тошлардан йўниб ясалган супача, унинг устида эса, кузатув дурбини жойлашган. Ушбу асбоб фокуси марказига кўзгу ўрнатилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Чангалзорлар бағрини узунлиги бир неча ўн чақиримлик кўпдан-кўп йўллар кесиб ўтган. Баъзиларнинг кенглиги 20 метрдан ҳам ошган, устига шишасимон тахтачалар ётқизилган.

Майяликлар бунёдкорлик ишларида асқотган барча қурилиш ашёларини 100 километрча наридан, бир вақтлар оташ мисол отилиб, сўнгра сўниб қолган Синтепеко вулқонининг нақ оғзидан ташиб келтиришган. Базалт қотишмаларнинг ҳар қайсиси 40 тоннагача тош босган. Майялик усталар уларни ниманинг ёрдамида, қандай усулда яхлит ҳолича шунча узоқ масофага таший олишган - бу саволнинг жавоби ҳали-ҳануз сирлигича қолмоқда.

Бугунги кунда қадимий юрт ҳаробаларини самолётдан кузатсангиз, ғалати манзаранинг шоҳиди бўласиз. У, бир қарасангиз, ғоят баҳайбат калтакесакка ўхшаб кўринади, иккинчи қарашингизда саккиз оёқли денгиз ҳайвонини ёхуд қанотларини ёйиб, парвозга шайланаётган улкан қушни эслатади. Базалт қопланган узун ва ўқдек тўғри йўллар шаҳарларни занжирдек бир-бирига боғлайди, фақат саноқлилари чангалзорлар қаърига бориб туташади.

Майя подшолигига яқин ҳудуддаги Наска водийси ҳақида ҳам шунга монанд фикрлар билдириш мумкин. Битта фарқи шундаки, у Майя сингари чангалзорлар ўртасида жойлашмаган.

Шомонларнинг уқтиришларича, Майя аҳли коинотдан қувват ола билганлар. Улар бизга номаълум аллақандай куч-қудрат соҳиби бўлганлар. Шунга кўра, ҳаво ёрдамида базалт палахсаларини ўзаро қориштиришнинг уддасидан чиқа олганлар. Ва яна: қаттиқ тошларни бамисоли ҳалимдай юмшатиб, уларни ўзлари истаган шаклга ва ҳажмга келтириш сирларини ҳам пухта ўзлаштирганлар.

Майя шаҳарлари лойиҳалари, афтидан, замин фарзандлари томонидан яратилмаган. Уларни осмону фалакни банд этган қандайдир илоҳий кучлар чизиб-тайёрлаб, мукаммал ҳолатга келтиргач, ерликларга тортиқ қилганлар.

Бизга замондош ҳиндулар аждодлари янглиғ ноёб-нодир шаҳарлар бунёд этишмайди, аксинча, фақирона, оддий кулбаларда тиқилиб яшайдилар. Асосан деҳқончилик юмушлари билан шуғулланадилар. Маккажўхори унидан тайёрланган нон маҳсулотларини тановвул қиладилар. Овга фақат ибтидоий қуроллар - ўқ-ёй билангина борадилар. Ўзлари учун сирли-синоатли туюлган 13 рақамига ихлос билан қарайдилар. Муқаддас Қоплонга сидқидилдан сиғиниб, унинг яқин келажакда ерга қайта ташриф буюришига ишонадилар.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

# БИРИНЧИ ТОЖ СОҲИБИ

*Шахмат тарихидан*

Вилгелм Стейниц 1836 йилда Прага шаҳрида туғилган. Отасининг 13-фарзанди эди. Шахмат ўйинини болалигида отасидан ўрганган. Стейниц XIX асрнинг бошларида шахмат назариясига ва стратегиясига катта ҳисса қўшган буюк шахматчидир. У илмий негизга асосланган ҳолда шахмат ўйинини санъатга айлантириш йўлида тинмай изланди. Жаҳон чемпионлиги учун биринчи расмий матч ўтган аср охирларида, яъни 1886 йилда Америкада В. Стейниц ва немис фуқароси Иоганн Герман Цукерторт ўртасида бўлди. Хўш, нега айнан шу икки шахматчи жаҳон тожига даъвогарлик қилишган? В. Стейниц 1886 йилгача Европа ва Американинг энг кучли шахматчиларини лол қолдириб, дунёга тенги йўқ шахматчилигини исботлаган бўлса, И. Цукерторт 1883 йили Лондондаги халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади. Стейниц — Цукерторт матчи регламенти 10 ғалабагача эди. Бу икки забардаст шахматчининг ўйини шахмат мухлисларида катта қизиқиш уйғотди. Учрашув АҚШнинг Нью-Йорк, Сан-Луи, Нью-Орлен шаҳарларида ўтказилди. «Залда шунчалик кўп томошабинлар тўпланган эдики, — деб ёзганди ўшанда «Интернейшенелчесс мэгэзин» журнали, — жуда кўпчилик ташқаридан туриб ўйинни кузатишга мажбур бўлганди. Бу ерда Нью-Йорклилargина эмас, балки бошқа мамлакатлардан келган шахмат ихлосмандлари ҳам бор эди.

...Шахмат бўйича биринчи жаҳон тождори Стейниц жаҳон чемпиони унвонини 8 йил мобайнида ушлаб турди. Бу давр ичида у энг кучли, дунёга машҳур бўлган шахматчилардан М. Чигорин, И. Гунсберг, Г. Пилсберн билан куч синашиб ғолиб чиқди. Шу юз йилда шахмат олами жаҳонга ўн уч тож эгасини ҳадя этди. В. Стейницнинг номи улар орасида тарихга биринчи бўлиб ёзилди ва мангу қолди.

**Анвар ИНОҚОВ,**
**шахмат бўйича спорт усталигига номзод**

# КУЗ ТАҚВИМИ

***Маъмурада: яъни ер куррасининг шимолий ярмида ёзги инқилоб, яъни кун қайтишидан кузги эътидолгача ёз фасли давом этади. Кузги эътидолдан қишки инқилобгача куз давом этади. Мезон, Ақраб ва Қавс куз ойларидир. Эронда Мезон «Меҳр», Ақраб «Обон», Қавс «Озар» деб аталади. Туркияда Сентябр «Эйлул», Октябр «Эким», Ноябр «Қосим», Декабр «Оралиқ», деб аталади. Жорий 1378 йил кузининг ою кунлари қуйидагича (чизиқдан сўнг мелодий ҳисоби, Сентябр «С», «Октябр «О», Ноябр «Н», Декабр «Д» деб бериладиди):***



**МЕЗОН**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Шанба | | 3-25 с | 10-2 о | 17-9 о | 24-16 о |
| Якшанба | | 4-26 с | 11-3 о | 18-10 о | 25-17 о |
| Душанба | | 5-27 с | 12-4 о | 19-11 о | 26-18 о |
| Сешанба | | 6-28 с | 13-5 о | 20-12 о | 27-19 о |
| Чоршанба | | 7-29 с | 14-6 о | 21-13 о | 28-20 о |
| Пайшанба | 1-23с | 8-30 с | 15-7 о | 22-14 о | 29-21 о |
| Жума | 2-24 с | 9-1 о | 16-8 о | 23-15 о | 30-22 о |

**АҚРАБ**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Шанба | 1-23 о | 8-30 о | 15-6 н | 22-13 н | 29-20 н |
| Якшанба | 2-24 о | 9-31 о | 16-7 н | 23-14 н | 30-21 н |
| Душанба | 3-25 о | 10-1 н | 17-8 н | 24-15 н | |
| Сешанба | 4-26 о | 11-2 н | 18-9 н | 25-16 н | |
| Чоршанба | 5-27 о | 12-3 н | 19-10 н | 26-17 н | |
| Пайшанба | 6-28 о | 13-4 н | 20-11 н | 27-18 н | |
| Жума | 7-29 о | 14-5 н | 21-12 н | 28-19 н | |

**ҚАВС**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Шанба | | 6-27 н | 13-4 д | 20-11 д | 27-18 д |
| Якшанба | | 7-28 н | 14-5 д | 21-12 д | 28-19 д |
| Душанба | 1-22 н | 8-29 н | 15-6 д | 22-13 д | 29-20 д |
| Сешанба | 2-23 н | 9-30 н | 16-7 д | 23-14 д | 30-21 д |
| Чоршанба | 3-24 н | 10-1 д | 17-8 д | 24-15 д | |
| Пайшанба | 4-25 н | 11-2 д | 18-9 д | 25-16 д | |
| Жума | 5-26 н | 12-3 д | 19-10 д | 26-17 д | |

**Тузувчи: Алийбег Рустамий**

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0696.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА*
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.40

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
*Навбатчи — Шерали НИШОНОВ*